Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi

● 2011-yil, 6-sentabr. Seshanba ● 110 (31.386) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Германия делегацияси Ўзбекистонда

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Қуйи Саксония федерал ерининг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ривожланиш вазири Герт Линдеманн раҳбарлигидаги делегация 5 сентябрь куни қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Шавкат Ҳамроев билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар барча жабҳалар қатори қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

— Германия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори, — деди Герт Линдеманн. — Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар қатори озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ташрифимиз доирасида ўтказилган учрашувлар юртингиз ишбилармонлари билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Музокарада Ўзбекистон билан Германия ўртасида озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, тармоқда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

**Ислом КАРИМОВ:**

*Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.*



## Меҳр ва масъулият

Мамлакатимиз Президенти Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида билдирган эътибор ва меҳр ёшларимизни тўлқинлантириб юборди. Бу ғамхўрлик ва юксак ишонч уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги марраларга илҳомлантирмоқда.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Сардорбек Абдуллаев шундай дейди: — Президентимизнинг табрик сўзларини ҳаяжон билан тингладим. Биз ёшларга қарата «Азиз болаларим», — дея мурожаат қилганларида бутун вужудим титраб кетди. Чин юракдан айтилган меҳрли сўзлардан кўзимга ёш қалқди. Бу сўзлар ҳуддики, айнан менга қараб айтилаётгандай туюлди. Кейин бу табрикни газетада қайта-қайта ўқидим. Ҳар ўқиганимда зиммамга катта масъулият юкланаётганини ҳис этдим.

*(Давоми 2-бетда.)*

**Фахр**

### Юксак эътироф

**Ватаннинг юксак мукофоти берилгани ҳақидаги хушхабар кишини чексиз ҳаяжонга солиш билан бирга, умр йўлингга, бажарган ишингга холис назар ташлашга ундар экан.**

Кўз олдимдан улгура олмаган ишларим ўтди ва Президентимиз мени улуғ мақсадлар сари рағбатлантирганини чин дилдан ҳис қилдим.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ адабиётни, маънавиятни юксалтиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Камтарин меҳнатимнинг юксак эътирофи мени Ватан равнақи, халқ фаровонлигига янада сидқидилдан меҳнат қилишга, ўз касбимни улуғлашга, билдирилган ишончни оқлашга даъват этади.

**Абдулла УЛУҒОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети доценти,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби.**

## Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш

*учун муҳим ҳужжат имзоланди*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида ўтган йили декабрь ойида Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисида англашув меморандуми имзоланган эди. Унга мувофиқ икки мамлакат ўртасида мазкур тизимда мутахассислар малакасини ошириш ва ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.**

Пойтахтимизда Давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон томонидан Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказий раҳбарлари, Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, бозор инфратузилмаси ташкилотлари вакиллари ҳамда Корея Республикаси томонидан эса Корея фонд биржаси раиси Бонг Су Ким, КФБ директори Ким Хеонг Яул, КФБ катта вице-президенти Хванг Джунг Хо, КФБ ижрочи директори Шин Пёнг Хо, КФБ катта менеджери Ким Донг Чун ва бошқа мутахассислар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида ҳам изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилинаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, умумий қиймати 6 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи бош шартнома икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда он-лайн усулидаги янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, он-лайн усулидаги IPO (акциядорларнинг бирламчи оммавий жойлаштирилиши) ёрдамида ишбилармонлар учун янги ҳамкорлар топишни енгиллаштириш тўғрисида фикр билдирилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

### Халқимиз ишончини оқлаймиз

**Маълумки, шу йилнинг 23-28 август кунлари Парижда дзюдо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 132 давлатидан саккиз юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.**

Ушбу нуфузли мусобақада ўз вазн тоифасида дзюдочиларимиздан Ришод Собиров (60 кг) олтин, Наврўз Жўрақобилов (73 кг) бронза медалларига сазовор бўлди. Спортчиларимизнинг бу ютуғи Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тўйига муносиб совға бўлди, десам, муболаға қилмайман.

Мамлакатимиз спорт делегацияси 30 август тонгида Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинган чоғда Юртбошимиз Фармонига кўра, менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони берилганини эшитиб, ниҳоятда ҳаяжонландим. Қувонч устига қувонч бўлди. Бундай унутилмас воқеалар киши ҳаётида камдан-кам бўлади. Ана шу лаҳзаларда қалбимдан кечган туйғуларни ҳозир икки оғиз сўз билан ифодалаб бера олмайман, албатта.

Юртимизда спортчи ва мураббийларимизнинг ҳар бир ютуғи доимо халқ назарида, муҳтарам Президентимиз эътиборида турганлиги кўнглимизни тоғдек кўтаради. Бу юксак унвон менга ўз устимда янада кўпроқ ишлаш мажбуриятини юклайди. Ишонтириб айтаманки, менга билдирилган ишончни оқлаш учун бундан кейин ҳам тинимсиз изланиб, бор маҳоратимни ишга соламан.

**Андрей ШТУРБАБИН,**
**Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси бош мураббийи,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози.**

## Спорт, нафосат ва гўзаллик байрами

*Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири бошланди*




Жаҳон спорт жамоатчилиги ва спортнинг энг гўзал, нафис тури мухлисларининг эътибори шу кунларда пойтахтимизга қаратилган. Тошкентдаги Универсал спорт саройида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири бошланди. Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

→ 4

**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши эътиборига!**

## Мақсадга эришиш учун амалий ҳаракат зарур

*аммо айрим партия кенгашлари фаолиятида ҳамон хотиржамлик ҳукм сурмоқда*

⇨ 2

## Замонавий мактаб

Қарши шаҳридаги 12-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлади.

***Бош пудратчи — «231-махсус қурилиш» масъулияти чекланган жамият томонидан барпо этилган мазкур мактаб замонавий қиёфаси ва шарт-шароити билан давлат таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради. 720 ўринли ўқув биносидан ташқари кўркам спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилди.***





***Суратларда:*** бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Холиёрова; мактабнинг янги биноси.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1843,49 | 1 Миср фунти | 292,10 | 1 СДР | 2784,11 | 10 Жанубий Корея вони | 16,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2814,98 | 1 Канада доллари | 1763,45 | 1 Туркия лираси | 993,47 | 10 Япония иенаси | 226,64 |
| 1 БАА дирҳами | 473,63 | 1 Хитой юани | 272,38 | 1 Швейцария франки | 2205,77 | 1 Россия рубли | 59,86 |
| 1 АҚШ доллари | 1739,47 | 1 Малайзия ринггити | 585,48 | 1 Евро | 2520,71 | 1 Украина гривнаси | 218,21 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: Ҳаракат дастури амалда

# Касаначи

## ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширади, айни пайтда рўзғор тўкислигини таъминлайди

Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи самарали ҳал этилиши кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хусусан, касаначилик ривожи билан бевосита боғлиқ. Шу боис тармоқнинг эркин ва самарали фаолияти учун қулай муҳит яратилиб, қатор имтиёзлар берилмоқда.



«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ғояларини амалга ошириш бўйича партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида касаначиликни кенг жорий қилишга, шу тариқа аҳоли бандлигини оширишга эътибор қаратилган.

Касаначилик орқали хонадонларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, оилавий даромад манбаи яратилади, бу эса фаровонликни мустаҳкамлайди, айни пайтда, корхоналарнинг иш унумдорлиги ошади. Шунингдек, ёшлар касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашига қулайлик яратилади. Бу жамиятимиз янада тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Шу боис, Қоракўл туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очишга жиддий киришган. Депутатлик гуруҳи йиғилишларида бу борадаги ишларнинг мониторинги хулосалари атрофлича таҳлил қилиниб келинади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, туманда жорий йилда касаначилик асосида 126 та иш ўрни очиш белгиланган. Бу тумандаги 20 та ишлаб чиқариш субъектида амалга оширилиши кўзда тутилган.

**Аваз МИРФАЙЗИЕВ,**
*Қоракўл туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари:*

*— Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 93 та касаначилик иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Бугунги кунда туманимизда 1893 нафар киши касаначилик асосида меҳнат қилаяпти. Жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 1828 нафар битирувчининг 1759 нафари ишга жойлашган бўлса, шундан 71 нафари касаначилик асосида ўз ишини бошлади.*

Бандлик дастурига кўра, Қоракўл пахта тозалаш заводида биринчи ярим йилликда 13 та касаначилик иш ўрни очиш белгиланган эди. Қувонарлиси, бу режа ошиғи билан бажарилди. Айни чоғда бу ерда 20 нафар касаначи меҳнат қилмоқда.

**Саодат ХОЛИҚОВА,**
*тикувчи:*

*— Шу завод негизида ташкил қилинган «Қоракўл нотўқима» масъулияти чекланган жамиятга меҳнат шартномаси асосида ишга жойлашдим. Теримчилар учун этак, қўлқоп ва чойшаблар тикаяпмиз. Корхонадан хомашё маҳсулотларини олиб, уларни уйда тикиб, тайёр буюм сифатида олиб келамиз. Асосийси, ҳам қонуний меҳнат қилаяпмиз, ҳам рўзғорга қараяпмиз. Бундан жуда мамнунман.*

«Назирбек» хусусий корхонаси тикувчиликка ихтисослашган. Бу ерда турли хилдаги кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқ жилдлари буюртма асосида тайёрланади. Ҳозир корхонада 15 та ходим касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 7 нафари бу йил касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, ишга жойлашган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида бу ердаги касаначилар 5 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

**Орзигул ҲАСАНОВА,**
*тикувчи:*

*— Қоракўл маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тугатиб, шу корхонада касаначи сифатида иш бошладим. Бир ҳафтада 10 дан ортиқ маҳсулот тайёрлайман. Албатта, бу жараёнда ишимнинг сифатига, яратаётган либосларим бежиримлигига эътибор қаратаман. Меҳнат қилиш учун қулай шароит яратилаётгани иш унумини ошираяпти.*

Латофат Сувонова бир неча йил илгари «Сулув-2000» ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятини йўлга қўйиб, хотин-қизларни тикувчиликка жалб қилган эди. Бу йил шу фирма негизида «Малика Шаҳло Машҳура» хусусий корхонаси ишга туширилди. Натижада касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 23 нафар битирувчи доимий иш ўрнига эга бўлди, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Тикувчиларнинг 5 нафари касаначи сифатида иш олиб бораяпти.

**Наргиза ХОЛМУРОДОВА,**
*чевар:*

*— Корхонамизда устоз-шогирд анъанаси асосида ёшларга ҳунар ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Коллежда ўқиб юрган кезларимда шу ерда амалиёт ўтаб, иш ўрганганман. Шунинг учун ўқишни тугатгач, касаначи сифатида иш бошлашимда қийинчилик бўлмади. Касаначилик билан шуғулланишнинг афзалликлари кўп. Аввало, уй-рўзғор юмушларидан узилмаган ҳолда, меҳнат қилаяпмиз. Яна бир муҳим жиҳати, бизга меҳнат дафтарчаси юритилаяпти, фаолиятимиз қонуний ҳимоя қилинаяпти. Бу бизни қувонтиради, албатта.*

Бугун туманда нафақат тикувчиликда, балки дурадгорлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам касаначилик кенг қулоч ёймоқда. Жумладан, «Ўрмон ов хўжалиги» корхонасида қамиш маҳсулоти асосида бўйра ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳудуддаги касаначи йигитлар буюртмачига зарур маҳсулотни етказиб беради.

«Дўрман» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Ирисов Фарҳод» хусусий корхонасида замонавий эшик ва ромлар тайёрланмоқда. Ўтган йили корхонада 8 нафар киши меҳнат қилган бўлса, бу йил улар сафига 4 та касаначи қўшилди. Биринчи ярим йилликда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1 миллион 700 минг сўмдан ошди.

Таъкидлаш жоизки, касаначиликнинг ривожланиши ҳудудлардаги ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар ечим топишига муносиб ҳисса қўшади. Шунинг учун Қоракўл тумани Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи касаначилик асосида иш ўрни очилиши, касаначиларнинг меҳнати қонуний ҳимоя қилиниши бўйича назорат-таҳлил фаолиятини янада кучайтирса, юзага келаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этса, ютуқларни оммалаштирса, бундан ҳам қувончли натижаларга эришилиши, шубҳасиз.

**Лазиза ШЕРОВА**

Мустақиллик фарзандлари

# Меҳр ва масъулият

Президентимиз бизни Ватанни севишга, Ватанга садоқатли бўлишга даъват этди. Бу йўлда қаҳрамон аждодларимиздан ўрнак олишимиз кераклигини уқтирди. Бу чақириққа содиқ бўлиш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, Президентимиз ишончини оқлаш биз ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

*Мен яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим.*

*Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоси сифатида олган билим ва кўникмаларимни янада мустаҳкамлаш кераклигига амин бўлдим. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлганлар орасида 30 ёшида фан доктори илмий даражасини олган, 16 ёшида математика бўйича жаҳон олимпиадасида фахрли ўринни эгаллаган, 27 ёшида «Боинг» самолётини бошқараётган иқтидорли йигит-қизлар, ёш санъаткор, спортчи ва тадбиркор ҳамда жамиятимизнинг бошқа соҳаларидаги энг фаол ёшлар бор. Мен ҳам улар сафида эканимдан беҳад хурсандман.*

Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган ғояларни амалга ошириш жараёнида қанот етакчилари фаол иштирок этмоқда. Вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти шу мақсадда қатор лойиҳаларни амалга ошираяпти...

Дарҳақиқат, қанот етакчилари ташаббуси билан интернетда махсус **axtarish.uz** сайти яратилди. Мазкур сайт қидирув сайти бўлиб, у орқали uz доменидаги интернет манзилларни осон топиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, **axtarish.uz**да Фарғона вилоятидаги корхона-ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумот жойлаштириб борилади.

Партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳамнафас бўлиш ниятида қанот аъзолари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда ишлаяпти.

«Истиқбол»чилар келгусида катта ишларни режалаштирган. Биз уларнинг ғайрат ва изланувчанлик билан ўз устида мунтазам ишлашига, янги ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишига, шу орқали Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди

**Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклиги намунасини ёритувчи энг яхши мақола учун**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловга мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳақида журналистлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари томонидан электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида ёритилган мақолалар қабул қилинади.

**Танловга қуйидаги йўналишларда электрон ва босма ОАВда чоп этилган мақолалар қабул қилинади:**

— демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

— фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиш;

— соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга ошириш.

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондига ихтиёрий шаклда кузатув хати.

2. Ижтимоий шериклик ёритилган ва ОАВда чоп этилган мақоланинг нусхаси (электрон шакли билан).

3. ННТнинг ижтимоий шериклик фаолияти юзасидан тақдим этилаётган материалнинг газета, журнал ва сайтларда эълон қилинганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

**Ғолиблар қуйидагича тақдирланади:**

***биринчи ўрин*** — нетбук;
***иккинчи ўрин*** — шахсий компьютер;
***учинчи ўрин*** — рақамли фотоаппарат.

Ҳужжатларни қабул қилиш мазкур эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб 2011 йил 10 ноябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.

Танловда оммавий ахборот воситалари, давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун юбориладиган ҳужжатлар конвертда (А4 формат) қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди.

Бунда хатнинг почта штемпелида жўнатилган муддати инобатга олинади. Ҳужжатларни шахсан топширувчилар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондига, шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

Барча ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифти билан тўлдирилади.

Танловнинг ўтказилиш шартлари билан Фонднинг ***www.ngo.uz*** сайтида танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг маъмуриятига мурожаат қилиш мумкин

***(тел.: 233-52-41, 233-18-54).***

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши эътиборига!

# Мақсадга эришиш учун амалий ҳаракат зарур

## аммо айрим партия кенгашлари фаолиятида ҳамон хотиржамлик ҳукм сурмоқда

Қанликўл Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларидан бири. Ҳудудда 42 минг аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида давлат ва ҳукумат дастурлари асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги 712 нафар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси 29 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Туман Кенгашида 28 нафар депутат бўлиб, улардан 9 нафари ЎзХДП вакиллари. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида, шунингдек, ЎзЛиДеП 11, «Миллий тикланиш» 5, «Адолат» СДП эса 1 нафар депутатга эга. 2 нафар депутат ўзини ўзи бошқариш органлари кўрсатган номзодлар орасидан сайланган.

— Фаолиятимизда тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Тонготар Қаипназаров. — Туманимизда аҳолининг аксарият қисми қишлоқ ва овулларда истиқомат қилади, рўзғор тўкинлиги йўлида томорқадан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли биз депутатларимиз ва фаолларимиз билан деярли ҳар бир хонадонга кириб, томорқадан унумли фойдаланиш, сувни тежаб ишлатиш масаласида тушунтириш ишларини олиб бордик. Тўғриси, ери-жойи бўла туриб, ундан фойдаланмайдиган кишилар оз эмас. Шу ишларимиз наф бердими, мана, бозорларимиз анча тўкин, нарх-наво арзон. Рўзғоридан ортганини бозорга олиб чиқади-да.

Шундай йўллар билан кишиларга таъсир қиламиз, ислоҳотлар моҳияти ва партиямиз ғояларини одамларга етказамиз.

Туман партия кенгаши раиси билан анча суҳбат қилдик. Очиғи, унинг гапларини тинглаб, бу ерда партиявий ишлар анча жонли олиб борилаётган экан, деган фикрга борасиз. Аммо масалага чуқурроқ ёндашсангиз, бошқача манзарага гувоҳ бўласиз.

Депутатлик гуруҳи туманда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим воситаси, қонуний механизмидир. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига қонун билан берилган ваколатлар доирасида электоратни ташвишга солаётган муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш мумкин.

**Депутатлик гуруҳи туманда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим воситаси, қонуний механизмидир. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига қонун билан берилган ваколатлар доирасида электоратни ташвишга солаётган муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш мумкин.**

Лекин туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи берган маълумотга кўра, шу йилнинг август ойига қадар туман Кенгашининг 6 та, хусусан, 2010 йили 4 та ва шу йилнинг апрель ойида 2 та сессия бўлган. Аммо туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи қарийб икки йил давомида электорат манфаатига оид деярли бирон-бир масалани чуқур ўрганиб, депутатлик гуруҳи номидан сессия муҳокамасига олиб чиқмаган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Қанликўл туманида депутатлик гуруҳининг давлат бошқаруви идоралари ва масъул ташкилотлар билан ҳамкорлиги доирасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифа белгиланган. Тўғри, бу масалани 2012 йилнинг III чорагида туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш режалаштирилган. Бироқ партия Марказий Кенгашининг шу йил март ойида бўлиб ўтган IV пленумида дастурда белгиланган вазифаларни бажариш учун унинг муддати келишини кутиб ўтирмасдан, кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар юзасидан ўрганиш ва таҳлилий ишларни ҳозирдан бошлаш зарурлиги таъкидланган эди. Афсуски, ҳалигача туман партия кенгаши ҳам, депутатлик гуруҳи ҳам бу масалани чуқур ўрганиш бўйича бирон-бир амалий иш қилгани йўқ.

Туман асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Ҳукумат дастури асосида балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаяпти. Президентимиз қўяётган энг муҳим мақсадлардан бири — юртимизни қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатдан юксак технологиялар асосида саноати ривожланган мамлакатга айлантириш, маҳсулот экспорти ҳажмини муттасил ошириб бориш, шу тариқа халқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборат. Бу борада улкан ишлар қилинмоқда. Аммо туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонликни оширишнинг муҳим омили бўлган қишлоқ ва овулларда кичик саноат, ишлаб чиқариш, чекка ҳудудларда ижтимоий ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш борасида бирон-бир амалий таклиф билан чиқмаган. Ахир бу ишлар партиямиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ-ку!..

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 5 та доимий комиссиясидан иккитасига ХДП вакиллари раҳбарлик қилади. Депутатлик гуруҳи ташаббуси орқали Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси кун тартибига сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласи киритилган. Бошқа бирон масала ҳатто доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқилгани йўқ.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш масаласи, айниқса, Қорақалпоғистон шароитида жуда долзарб. Аммо бу масала юзасидан на туман партия кенгаши, на депутатлик гуруҳи бирон-бир фойдали таклифга эга.

Тўғри, шу йил 14 апрелда депутатлик гуруҳи йиғилишида 2011 йилда кутилаётган сув танқислигининг олдини олиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи муҳокама этилди. Унда туманда сув етказиб беришга масъул идоралар раҳбарлари, овул фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирок этди. Депутатлик гуруҳининг бошқа йиғилишларида ҳам айрим масалалар кўриб чиқилган. Бироқ шу асосда бирон масала чуқур ўрганиб чиқилмаган, доимий комиссия ёки сессияда кўрилмаган.

Шу йилнинг август ойига қадар туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 27 та мурожаат бўлган. Улар орасида такрор-такрор кўтариб чиқилаётган муаммолар бор. Гарчи шундай бўлса-да, масала ўрганилиб, умумлаштирилиб, депутатлик гуруҳида ёки доимий комиссияларда ёки бўлмаса, сессияда кўриб чиқилган эмас.

Хўш, бундай иш усули билан нимага эришиш мумкин? Бундай ҳолатда туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича партиямиз ўз вазифасини қандай адо этади?

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ўз сайловолди дастурларини амалга оширишга сиёсий партияларнинг бундай муносабати билан муроса қилиб бўлмайди, албатта.

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Қанликўл туманидаги бу ҳолатни ўрганиб, тегишлича чора-тадбирни кўрмаса, эртага кеч бўлади.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!





**Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ байрами арафасида барча вилоятлар ва туманларда кўплаб янги корхоналар, турар-жойлар, таълим, тиббиёт ҳамда маданият масканлари фойдаланишга топширилди...**

## Сурхондарё сарҳадларида

### Мусиқа ва санъат мактаби

Деновда 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишларига ҳукуматимиз томонидан 917 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни кунларда мазкур даргоҳда 110 нафар ўқувчи олтита йўналиш бўйича таълим олмоқда.

Илгари мактабнинг хоналари тор, чолғу асбоблари етишмасди. Истиқлолнинг йигирма йиллиги арафасида янгидан қурилган мактабда ўқувчилар мусиқа сирларини ўрганиши учун барча шарт-шароит яратилди.

### Иш ўрни тайин

Жарқўрғон туманида бугун 120 дан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида улар томонидан 78,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган олти ойида ҳудудда 2 минг 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди, — дейди **ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов.** — Бу борада, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари алоҳида эътиборда. «Коллеждан — корхонага» шиори остида битирувчиларга олдиндан иш ўринлари тайин.

### Бойсунда янги шифо маскани

Сайроб — туман марказидан 30 чақирим олисда жойлашган қишлоқ. Айни кунларда бу ерда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Яқинда ҳудудда янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

— Кўп йиллардан буён шифохона қуришни ният қилиб юрардим, — дейди тадбиркор Ҳайитали Алламуродов. — Орзуим мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида амалга ошганидан хурсандман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Гулларга бурканган Наманган

### Гул байрами

Наманагандаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб 51-анъанавий «Гул байрами» ўтказилди. Унда 200 дан ортиқ корхона ва ташкилот, таълим муассасалари, 60 дан зиёд гулчи-тадбиркорлар, шунингдек, қўшни вилоятлардаги ҳаваскор гулчилар ўз кўргазмалари билан қатнашди.

«Гуллар маликаси», «Паловхончи пазанда», «Ижодимда гул васфи», «Гулдаста усталари», шоҳмот-шашка мусобақалари, «Табиатнинг антиқа инъомлари (энг катта қовун, энг катта тарвуз, энг катта қовоқ)» кўрик-намойишлари сайилчиларга манзур бўлди.

— Наманганда ўтказиладиган «Гул байрами»га ҳаваскор гулчи дўстларим билан деярли ҳар йили келаман, — дейди андижонлик гулчи Абдусалом Мамадиев. — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги олдидан Андижонда ҳам «Гул байрами» ўтказилгани мазкур анъанавий сайилнинг ўзига хос маънавий-маърифий аҳамиятидан дарақдир. Кун сайин янгиланиб, яшариб, чирой очаётган зебо Наманган истиқлол айёмига гулдан поёндоз тўшаб пешвоз чиқмоқда.

### Кўприк савоби

Косонсой сойи Тўрақўрғон туманидаги бир қатор қишлоқларни оралаб ўтади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Бекобод қишлоқ аҳолиси Косонсой сойи устига кўприк қуришга киришган эди. Узунлиги 52 метр, эни 3,5 метрли кўприк мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

### Янги касб-ҳунар коллежи

Бугун Наманган вилоятида 120 тадан ортиқ касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Истиқлол байрами арафасида уларнинг сони яна биттага кўпайди. Тўрақўрғон шаҳарчасида 540 ўринга мўлжалланган, иқтисодиёт ва сервис йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Таълим даргоҳининг очилиши катта байрам тантанасига уланиб кетди.

### «Бахт уйи»

Наманган шаҳри марказида тикланган оппоқ мармар бинога 1-ФҲДЁ бўлими жойлашди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан 800 миллион сўм маблағ йўналтирилган, барча қулайликларга эга, замонавий шарт-шароитларни ўзида мужассам этган «Бахт уйи»нинг янги биносида биринчи никоҳ қайд этилди. Улар Беҳзод Мадраҳимов ва Азиза Содиқовадир. Тантанага йиғилганлар ёш оилага бахт тилашди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Қашқадарё байрам оғушида

### Ғузорнинг янги гузари

Ғузор туманининг Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги гузар пайдо бўлди. Қоркўмди қишлоғи яқинида намунавий лойиҳа асосида қурилган 40 та уй-жой ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, янги гузарда ҚВП очилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Мазкур шифо маскани бугун аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда болажонлар учун футбол ва баскетбол майдончалари ҳам барпо этилди.

### Обод манзиллар

Китоб туманидаги Боғбон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги Чармгар маҳалласи вужудга келди. Танлаб олинган, намунавий лойиҳа асосида 2009 йилда 20 та, 2010 йилда 55 та, мустақиллик байрами арафасида эса яна 20 та уй қуриб битказилди.

Байрам арафасида гузарда футбол ва баскетбол майдони очилди. Бунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 32 млн. сўм маблағ ажратди. Яна бир янгилик шу бўлдики, мазкур ҳудудда 160 ўринли янги мактаб биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

### Оппоқ орзулар

Оқ гузар — Қамаши туманидаги янги қишлоқ. Бу ерда 2009 йилда 20 та, 2010 йилда 10 та, 2011 йилда 25 та намунавий лойиҳа асосида тикланган уйлар фойдаланишга топширилди. Байрам арафасида болалар спорт майдончаси қуриб ишга туширилди. Бунинг учун 29 млн. сўмлик маблағ сарфланди. Яқинда тадбиркор Жўра Расулов хайрли ишга қўл урди. Янги уйлар аҳолиси учун автобекат ва катта савдо дўкони қурилишини бошлади.

### Сув сероб

Деҳқонободда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда «Оқ қулоқ — Қизилмозор» йўналишидаги сув қувурларини таъмирлаш давом этмоқда. Ҳадемай қурилиш ниҳоясига етгач, 5 та қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан узлуксиз таъминланади. Бундан ташқари, Дуоб қишлоғида 160 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### Янги блок — янги имконият

Муборак газни қайта ишлаш заводида лойиҳа қуввати йилига 2 миллиард кубометр табиий газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш имконини берадиган 18-блок ишга туширилди. «ЎзЛИТИнефтгаз» институти ишлаб чиққан лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ва ўндан ортиқ пудратчи ташкилотлар бунёдкорлари амалга оширди.

Янги блокнинг очилиш маросимида қурилишда фаол қатнашган ишчи ва мутахассисларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Маросимда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ва «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Шокир Файзуллаев иштирок этди.

**Музаффар ТУРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» газетаси жамоатчи мухбири.**

## Бухорода қовун сайли

**— Бухорога ҳар йили шу пайтда ташриф буюраман, — дейди франциялик сайёҳ Жентеле Фронкоус. — Чунки, бу ерда ўтказиладиган қовун сайли менга жуда ёқади. Бу ҳақда юртдошларимга ҳам кўп гапираман. Халқингиз етиштирган полиз маҳсулотлари, турли мевалар ўз мазаси билан мени доимо ҳайратга солади. Бу йилги қовунлар ҳам ўзига хослиги, ширинлиги билан мени лол қолдирди. Мазаси тилни ёргудек...**

Бухорода ўтказилган бу йилги 15-анъанавий қовун сайлида 11 та тумандан 260 та фермер хўжалиги етиштирган маҳсулотлари билан иштирок этди. Улар томонидан қовуннинг 70 хил нави намойиш қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА**

**Бир даврада гап мавзуси дори-дармон сифати ва уларнинг сотилишига бориб тақалди. Шунда ўтирганлардан бири ҳасрат қилиб қолди:**

## Истеъмолчи ҳушёр бўлса

### кўнгилсизликлар олди олинади

— Дорихонадан бош оғриғига дори сотиб олгандим. Буни қарангки, дори ичимни оғритиб, аллергия қўзғади. Кейин билсам, мен ичган таблетка сохта экан.

— Гапингиз тўғри, айрим дорихоналарда ясама дорилар сотилмоқда, — дея суҳбатни давом эттирди иккинчиси. — Мана, яқинда бир оғайним ошқозон малҳамидан заҳарланиб, даволанишга мажбур бўлди.

Унинг бу гапини диққат билан эшитиб турган шериги пиёлани хонтахтага қўйиб, шундай деди:

— Инсофсизлар! Ахир, бу жиноят-ку...

— Нимасини айтасиз, — унинг фикрини қувватлади олтмиш ёшлар атрофидаги киши. — Одатланиб қолганмиз, врач тавсияси билан дори оладиган бўлсак, хаёлимизга бу ясама эмасмикан, деган ўй келмайди. Аммо...

Улар ҳақ. Негаки, 1987 йилдаёқ Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бутун дунё бўйлаб ясама дори воситалари тарқалаётганидан ташвиш билдирган эди. Агар бир йилда тахминан миллиардлаб доллар қийматидаги дори-дармон истеъмол бозорига чиқарилса, шунинг маълум қисми қалбаки экан. Бу ниҳоятда ташвишланарли ҳол. Аксарият дори воситалари хориждан олиб келинаётганини назарда тутсак, ҳушёр бўлишни талаб этади. Тўғри, мамлакатимизда ҳар йили катта миқдорда қалбаки дори воситалари қўлга олиниб, йўқ қилинади. Божхона назоратини четлаб ўтиб, олиб келинаётган доридан фойдаланиш эса ман этилган. Тегишли идоралар ана шундай «дорифуруш»лар фаолиятига чек қўймоқда. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.

**Чунончи, Қўқон шаҳрида яшовчи Мақсуда Тошпўлатованинг хавфсизлик талабига жавоб бермайдиган сифатсиз дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди. Унинг уйидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган, сифат сертификатисиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган 5 турдаги жами 84 млн. 301 минг сўмлик дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.**

Шўрчи туманида яшовчи Гавҳар Шерматова «Деҳқон бозори» ҳудудида дорихона очиб, қонунга зид равишда фаолият кўрсатиб келган. Ундан 11,1 млн. сўмлик дори-дармон олиб қўйилди.

Худди, шунингдек, Қўқон шаҳрида яшовчи Сабохон Шарипова ва Равшан Ҳайдаров ҳам қонунга зид тарзда дори-дармон воситалари сотиб келаётгани фош қилинди. Р.Ҳайдаровнинг уйидан хорижда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатсиз, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи 16 турдаги 29 млн. 914 минг сўмлик дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Асака туманида яшовчи «Каштан» фирмасининг раҳбари Носиржон Арапов ҳам дорихонада сифат сертификати ва кирим ҳужжатлари бўлмаган 10 млн. 173 минг сўмлик дори-дармон воситаларини сотишга ҳаракат қилган...

**Жумладан, Қўқон шаҳрида яшовчи М. Жўраев ва Ф.Султоновнинг жиноий ишлари ҳам фош этилди. Улар Тожикистон Республикасининг Ашт туманида яшовчи номаълум фуқародан сифат сертификатсиз катта миқдордаги дори-дармон воситаларини сотиб олиб, мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кираётганда ушланди.**

Юқоридаги ҳолатлар кишини ўйга толдиради. Бойлик кетидан қувган айрим кимсалар муддати ўтган, яроқсиз дори-дармон воситаларини пуллаш билан одамлар ҳаётига хавф солаётганини нега ўйлашмаяпти? Айрим хусусий дорихоналар эса арзон нархга учиб сохта дорифурушлар тегирмонига сув қуймоқда.

Ҳозир ҳар қадамда дорихона. Бирон жойимиз оғриса, дарров малҳам топамиз. Хаста мушкулини осон қилаётганларга раҳмат. Бузғунчилар эса, албатта, қилмишига яраша жазо олади. Кези келганда, кўп бор айтилган бўлса-да, таъкидлаш ўринлики, яқинларимизни, ўзимизни ясама дорилардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқ. Демак, сизу биз — истеъмолчилар дори-дармон харид қилаётганда, у қачон, қаерда ишлаб чиқарилгани, сифат сертификати бор-йўқлигини сўраб-суриштирсак, ўзимизни кўнгилсизликдан асраймиз, ноқонуний дорифурушлик олдини олган бўламиз.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Хориж

## Рекорд даража

### қайталаниши мумкин

***Жорий йилнинг августигача АҚШда юз берган йирик табиий офатлар даражаси 2008 йилги рекорд даражага яқинлашиб қолди. Мамлакат ҳукумати эълон қилган манбаларга асосланиб «MSNBC» бу ҳақда хабар тарқатди.***



Океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси тузган табиий офатлар рўйхатига фақат келтирган зарари миллиард доллардан ошган офатлар киритилган. Бу ерда гап сув тошқинлари, торнадо, қор бўронлари, аномал жазирамалар ҳақида кетмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунгача Америка иқтисодиёти мамлакатда юз берган табиий офатлардан кўрган зарар 35 миллиард доллардан ортиб кетди. Майда табиий офатлардан кўрилган зарарнинг ўзи эса 20 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Бу кейинги уч йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

Ҳали олдинда яна 4 ой турибди. Айнан шу ойларда денгиз тўфонлари қутуради, қор бўронлари авжга минади. Шуларни ҳисобга олиб экспертлар августгача кузатилган 9 та йирик табиий офатлар кўрсаткичи яна ортиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

2008 йилда ҳам 9 та йирик табиий офат юз берган бўлиб, мамлакат иқтисодиёти кўрган умумий зарар миқдори 60 миллиард долларга бориб қолганди. 2005 йилда эса биргина «Катрина» тўфонидан мамлакат 100 миллиард доллардан ортиқ зарар кўрган.

## 81 фоиз немис эркаклари

### таътилга чиқиш имкониятидан фойдаланмайди

***Немисларнинг ҳар бештадан тўрттаси ёки 81 фоизи бола тарбияси учун бериладиган 14 ойлик таътил имкониятидан фойдаланмас экан. Фақат 19 фоиз эркаккина атиги икки ойга таътил оларкан. Бу бериладиган таътилнинг энг минимал кўрсаткичига тенг. «Forsa» жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ўтказган тадқиқот натижаларига асосланиб «Sueddeutsche Zeitung» газетаси бу ҳақда хабар тарқатди.***

Маълумки, Германияда янги туғилган чақалоқ тарбияси учун нафақат онага, балки отага ҳам 14 ойлик таътил олиш имкони берилади. Бу вақт давомида уларга маошининг 63 фоизи миқдорида ҳақ тўлаб турилади. Бола тарбияси билан ким неча ой шуғулланишини ота-онанинг ўзи ҳал этади — хоҳласа эр 7 ойга, хотин кейинги 7 ой учун таътилга чиқиши мумкин, хоҳласа бошқача.

Аммо сўровда иштирок этган эркакларнинг 45 фоизи бола тарбияси учун таътилга чиқиш «карьера»ни бой бериш билан тенг, деб ҳисобларкан.

## Болаларнинг интернетга кириши чекланади

***Россия давлат думасининг Ахборот сиёсати, ахборот технологиялари ва алоқа қўмитаси ёш болаларнинг интернетга киришини чеклаш учун провайдерларга «катталар калити» дея номланган янги технология бўйича иш тартиби жорий этишни мўлжаллаб турибди.***

Шуниси эътиборлики, «катталар калити» махсус кодга эга бўлиб, бу кодлар фақат катта ёшдаги интернетдан фойдаланувчиларгагина берилади. Ёш болалар эса бундан фойдалана олмайдилар. Улар учун алоҳида мультиформатли интернет тизими жорий этилади.

— Ўсиб келаётган ёшларни интернетдаги турли ахборот ҳуружларидан асрашимиз ва уларни соғлом ғоялар билан «суғорилган» ахборотлар билан таъминлаш биз катталарнинг вазифасидир, — деди қўмита раҳбарии Сергей Железняк журналистларга берган интервьюсида.

## Учувчисиз самолётлар

### чегарани назорат қилади

***Бразилия ҳарбийлари қўшни давлат Колумбия билан чегараларини учувчисиз самолётлар ёрдамида назорат қилишга киришдилар, дея хабар беради «BBC»нинг Бразилиядаги матбуот хизмати.***



Исроилда ишлаб чиқарилган «Hermes 450» номли бу учувчисиз аппарат радиотўлқин ёрдамида бошқарилади, у 15 соат давомида узлуксиз парвоз қилиш қувватига эга. Шунингдек, 5 минг метр баландликдан ердаги тасвирлар акс этган аниқ ва сифатли аэрофотосурат ҳамда видеотасвир олиб ерга узатувчи замонавий технология билан жиҳозланган. У одам қадами етмайдиган чакалакзорлар борми, баланд тоғли ҳудуд борми барча ерда кузатув олиб бориш, керак бўлса, лозим масофагача пастлаш ва видеотасвирга олиш имконига эга.

Мамлакат ҳарбийлари мазкур учувчисиз аппарат Колумбия билан чегаралар назорати мониторингини олиб бориш ва шу билан бирга, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғлар транзитига чек қўйиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарасини таъминлаш имконини беришига умид қилмоқдалар.

Худди шундай учувчисиз бошқариладиган аппарат 2009 йилдан бери Бразилиянинг Аргентина, Уругвай билан чагараларида ҳам кузатув-мониторинг олиб бормоқда.

# Спорт, нафосат ва гўзаллик байрами

## Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири бошланди

Универсал спорт саройи томошабинлар ва кўплаб хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Ранг-баранг байроқчалар ва ҳаво шарлари билан байрамона безатилган спорт саройи кишига кўтаринки кайфият бахш этади. Вакиллари мусобақаларда иштирок этадиган мамлакатлар давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

Майдонга мусобақа иштирокчилари кириб келади. Бу ёшлик ва гўзаллик намойиши бўлиб, спорт, мусиқа санъати ва рақснинг бадиий гимнастикага хос ўзаро уйғунлигидир.

Саҳнага иштирокчилар чиқиб келади. Спорт, нафосат ва гўзаллик халқаро байрамига дунёнинг энг кучли гимнастикачилари ташриф буюрган. Жаҳон кубоги босқичи беллашувларида 18 мамлакатдан энг кучли 28 нафар спортчи қатнашмоқда. Турли халқаро ва республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритган, яъни ўтган йили XVI ёзги Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳибаси Ульяна Трофимова, жамоа беллашувларида кумуш медалларни қўлга киритган Жамила Раҳматова ва Замира Санақулова мазкур мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Бундан ташқари, Жаҳон кубогининг мазкур босқичи мусобақаларининг жамоавий баҳсларида Феруза Аминова, Луиза Ғаниева, Ольга Кирьякова, Зарина Қурбонова, Екатерина Сафронова ва Яйра Сержанова каби иқтидорли гимнастикачи қизларимиз иштирок этади.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Тиллаева-Каримова мусобақани очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Мақомига кўра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин турадиган бундай юксак савиядаги бадиий гимнастика мусобақалари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Масалан, 2004-2005 йилларда пойтахтимизда Жаҳон кубоги босқичлари, ўтган йили ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Халқаро гимнастика федерацияси Жаҳон кубоги босқичини яна Тошкентда ўтказишга қарор қилганининг боиси ҳам шунда.

Ўзбекистоннинг спорт соҳасида нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган Ўзбекистонни бугунги кунда ҳақли равишда спорт мамлакати деб аташ мумкин. Буни нуфузли халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида Ўзбекистон вакилларининг қўлга киритаётган ғалабалари ҳам тасдиқлайди. Биз ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намоён қилаётган спортчиларимизнинг кўплаб олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлаётгани билан фахрланамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук ва заковатли баркамол авлодни тарбиялаш борасида ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланганининг амалдаги самараларидандир. Бунда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида таъкидлаганидек, болалар спорти биз ўз олдимизга қўйган буюк бир мақсадга эришиш учун, яъни баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етаётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида қандай беқиёс ўрин ва аҳамият касб этиши ҳақида бугун ҳеч кимга тушунтириб беришга ҳожат йўқ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда спортни ривожлантириш Ўзбекистонда болалар соғлом туғилиши ва вояга етиши, баркамол ривожланиши, ўқиш, илм-фан, маданият, бизнес, спорт ва бошқа соҳаларда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг таркибий қисмидир.

Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича ноёб уч босқичли узлуксиз тизим яратилди. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг Универсиада спорт ўйинлари етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилган. Шаҳар ва қишлоқларимизда спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро андозалар даражасида жиҳозланган кўплаб марказ ва секциялар, спорт комплекслари ва заллари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, бўлғуси оналар — қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши ғоят муҳимдир. Шу сабабли Ўзбекистонда хотин-қизлар спортини, жумладан, унинг нафис ва гўзал тури — бадиий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Гимнастика билан шуғулланиш қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг мусиқа ва рақсга қизиқишини оширишга, маънавий гўзаллигини шакллантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда бадиий гимнастика анъаналари мустаҳкам асосга эга. Ушбу спорт тури бўйича ўзбек мактаби илгаридан жаҳонга машҳур. Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Янина Батиршина каби кўплаб машҳур гимнастикачилар айнан Ўзбекистондан етишиб чиққан. Бугун уларнинг ўрнини ёш бўлишига қарамай спортда катта муваффақиятлар қозонаётган қизлар эгалламоқда. Улар ўзининг ютуқлари билан Ватанимиз довруғини дунёга таратиб, халқаро майдонда юртимиз нуфузини янада оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ёш гимнастикачиларнинг шаклланиши, спорт маҳоратининг ривожланиши учун мамлакатимизда зарур шарт-шароит яратилган. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шафелигида барча вилоятларда бадиий гимнастика бўйича спорт клублари, мактаблари ва секциялари фаолият кўрсатмоқда, мунтазам ўтказиб келинаётган ҳудудий ва республика мусобақалари янгидан-янги истеъдодли спортчи қизларни кашф этишга ҳамда спортнинг ушбу тури янада оммалашишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа олий ўқув юртларининг ушбу йўналишдаги факультетларида малакали мураббийларни тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлга қўйилган. Хорижий ҳамкасблар билан тажриба алмашиш мақсадида Халқаро Олимпия қўмитаси ва Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда Тошкентда амалий семинарлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш доирасида спортнинг ўн бир олимпия тури, шу жумладан, гимнастика бўйича тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, спортнинг асосий вазифаси — нафақат спортда муваффақиятларга эришиш, балки биринчи навбатда, ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган шахслар этиб вояга етказишдан иборат. Эрта ёшдан спорт билан шуғулланиш характерни тоблайди, саломатликни, қатъият ва мардлик, ғалабага интилиш, мустаҳкам ирода, интизом, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш каби фазилатларни шакллантиради.

Тошкентда Жаҳон кубоги босқичи билан бирга ёшлар ўртасида «Happy Caravan» халқаро турнири ҳам ўтказилади. Унда Мафтуна Шамсиева, Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова ва Майя Филиппова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Бошқа давлатлардан ёш спортчилар таклиф этиладиган республика миқёсида «Қувноқ карвон» номи билан ўтказиладиган бундай беллашувлар Ўзбекистонда аввал ҳам ташкил этилган. Халқаро гимнастика федерацияси бундай мусобақалар юксак савияда ташкил этилиши ва иштирокчиларининг маҳорати ортиб бораётганини эътиборга олиб, бу йил мазкур турнирга халқаро мақомини берди.

Жаҳон кубоги босқичи ва халқаро турнир беллашувлари Универсал спорт саройида эрталабдан бошланди. Мусобақалар дастуридан кўпкураш, алоҳида ва гуруҳ машқлари жой олган. Турли мамлакатлардан келган гимнастикачи қизлар арғамчи, ҳалқа, копток, булава ва лента билан машқ бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш қилади. Мутахассисларнинг фикрича, совринли ўринлар учун қизғин баҳслар бўлади. Иштирокчиларнинг таркиби ҳам бундан далолат бериб турибди.

Бу галги спорт тадбирлари доирасида яна бир муҳим воқеа — Осиё гимнастика уюшмаси Ижроия қўмитаси мажлиси ўтказилади. Унда 16 мамлакат вакиллари иштирок этади.

Халқимиз олдида турган эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимизнинг келажаги, равнақи ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи, аввало ва аввалambor, ёш авлодга боғлиқ. Тошкентда ўтказиб келинаётган бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун улкан имкониятлар очиб берган истиқлол йилларида иқтидорли, ўз мақсади сари интиладиган, жонажон Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун барча жабҳаларда буюк ишларга қодир, унинг янада ривожланиши ва фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшишга тайёр янги авлод вояга етаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

**1998 йил 6 сентябрь куни Тошкентда Осиё, Европа, Америка ва Африка қитъаларининг йигирма саккиз давлатидан келган вакиллар иштирокида таъсис конгресси ўтказилиб, унда янги халқаро спорт ташкилоти — Кураш халқаро ассоциацияси (IKA)га асос солинди. Ассоциация Низоми ва курашнинг халқаро қоидалари тасдиқланди, бошқарув органи сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бир овоздан Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президентлигига сайланди.**

## Кураш байрамлари давом этади

Истиқлол шарофати билан ўзбек кураши бугун дунё халқларининг севимли спорт турларидан бирига айланиб бормоқда. Айни пайтда жаҳоннинг 117 мамлакатида Кураш миллий федерациялари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилдан шу кунгача кураш бўйича Ўзбекистон, Туркия, Венгрия, Арманистон, Мўғулистон ва Украина давлатларида катталар ўртасида етти бор жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтказилди. 2000 – 2009 йиллар мобайнида Россия, Ўзбекистон, Доминикан Республикаси ва Туркия мамлакатларида ёшлар ўртасида беш, фахрийлар ўртасида икки бор жаҳон чемпионатлари бўлиб ўтди. Шунингдек, Пан Америка, Осиё, Европа, Африка ва Океания қитъавий чемпионатлари ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, Буюк Британия, Греция, Туркия, Эрон, Украина, Россия, Франция, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси, Ҳиндистон каби дунёнинг ўнлаб мамлакатларида уч юзга яқин нуфузли мусобақалар уюштирилди.

Кураш халқаро ассоциацияси тақвимига кўра, мухлислар сентябрь ва октябрь ойларида ҳам бир қатор кураш байрамларининг гувоҳи бўлишади. Жумладан, 6-9 сентябрь кунлари Эроннинг Илам шаҳрида навбатдаги Осиё чемпионати, Руэй-Мальмезон (Франция)да Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Гран-при туркумидаги учинчи халқаро турнир, 19-23 октябрь кунлари эса Термизда VIII жаҳон чемпионати ҳамда Президентимиз соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий X халқаро турнир бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО**

---

**ОБ-ҲАВО 06-07.09. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 36°C | 38°C |
| Самарқанд | 31°C | 36°C |
| Нукус | 33°C | 38°C |
| Қарши | 33°C | 38°C |
| Урганч | 33°C | 38°C |
| Навоий | 33°C | 38°C |
| Фарғона | 31°C | 36°C |
| Бухоро | 33°C | 38°C |
| Андижон | 31°C | 36°C |
| Наманган | 31°C | 36°C |
| Термиз | 33°C | 38°C |
| Жиззах | 31°C | 36°C |
| Гулистон | 31°C | 36°C |
| Тошкент вил. | 31°C | 36°C |
| Лондон | 18°C | 18°C |
| Париж | 24°C | 21°C |
| Москва | 17°C | 15°C |
| Мадрид | 30°C | 32°C |
| Пекин | 29°C | 27°C |
| Гонгконг | 32°C | 32°C |
| Рим | 28°C | 28°C |
| Анқара | 29°C | 30°C |
| Токио | 30°C | 32°C |
| Стокгольм | 18°C | 15°C |
| Кейптаун | 26°C | 26°C |
| Қоҳира | 25°C | 30°C |
| Гавана | 33°C | 33°C |
| Вашингтон | 23°C | 23°C |

---

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

# Ёшлар ишли бўлди

**Зангиота туманининг янги маркази Келесда жойлашган «Келес-Жун» масъулияти чекланган жамият жун хомашёсини тури, нави, ҳолатига қараб саралаш, тойлаш ва ярим тайёр маҳсулот сифатида хорижга экспорт қилиш билан шуғулланади.**



2004 йили корхонанинг иш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Польшадан «Бифама» русумли машина келтирилди. Йилига 1500 тонна жун маҳсулотини ювиш қувватига эга бу линия ўрнатилгач, иш самарадорлиги ошди. Маҳсулотлар Россия, Беларусь, Германия, Ҳиндистон, Хитой давлатларига экспорт қилина бошланди.

Ҳозир корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошган. Бу ерда бугун янги иш ўринлари яратиш борасида муҳим лойиҳа амалга оширилмоқда.

— Жорий йилда жамиятимизга хорижий инвестиция жалб этилди. Ўзимизда тайёрланган пахтали матолардан болалар кийим-кечаклари тикаяпмиз, — дейди «Келес-Жун» МЧЖ бошқаруви раиси Иноятулло Солиев. — Натижада 70 та янги иш ўрни яратдик. Хитойда ишлаб чиқарилган GM русумли 50 дан ортиқ тикув машиналари, автоматлаштирилган «Brothers» русумли кашта ва гул тикиш машиналари ўрнатилиб, иш унумдорлиги ва сифати оширилмоқда. Ҳозирча 4 хил тур ва рангдаги кийим-кечак тайёрланаяпти. Эътиборлиси, маҳсулотларимизнинг ҳаммасини хорижга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Тикув машиналари ўрнатилган хонада 50 нафар хотин-қиз қўли-қўлига тегмай кийим тикаяпти.

— Тикувчилик курсида ўқиганман, икки йиллик тажрибам бор, — дейди Раъно Яртиева. — Қийинчилик йўқ, маошимиз етарли. Энг муҳими, доимий иш жойига эга бўлдим. Оилам даромадига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

— Ишчиларимизнинг аксарияти корхонамиз жойлашган «Оқибат» маҳалласида яшайди, — дейди тикув цехи бошлиғи Нигора Жамилова. — Уларнинг орасида коллеж битирувчилари ҳам анчагина. Кўриб турганингиздек, шароитлар яхши. Бу эса ишларимиз янада самарали бўлишига имконият яратмоқда.

Тикув цехининг ташкил этилиши натижасида келеслик ёшларнинг иш билан таъминланиши барча қатори ота-оналарни ҳам мамнун этди. Қолаверса, бу 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалдаги бир ифодасидир.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.** t

**Бухоро вилояти божхона бошқармаси**

***видеокузатув камераларини ўрнатиш юзасидан тендер эълон қилади.***

*Техник ва тижорат таклифлари 2011 йил 27 сентябрга қадар қабул қилинади. Тендер комиссияси 2011 йил 28 сентябрь соат 9:30 да техник ва тижорат таклифларни кўриб чиқади.*
*Тижорат ва техник талаблар Бухоро вилояти божхона бошқармасига мурожаат қилиб олиниши мумкин.*

**Манзил: Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 352-уй.**
**Телефон (факс): 8-365-770-06-30**

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Яккабоғ туман кенгаши раиси Неъмат Жумаевга онаси **ИНОЯТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10439 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Zohid USMONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5